


ҲАР БИР МУРОЖААТ- ЭЪТИБОРДА

ҲАР БИР МУРОЖААТ - ЭЪТИБОРДА!



Мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига эътибор кундан-кун ортиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, барча давлат бошқаруви органлари, жумладан, судлар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юкламоқда.

Олий суд Раёсатининг 2021 йил 9 ноябрдаги қарорига асосан “Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома янги таҳрирда тасдиқланди. Унда суд тизимида фуқаролардан умумий мазмунда келиб тушган мурожаатлар билан ишлаш тартиби белгиланди.

Маълумки, судларга икки хил тоифада, яъни процессуал ва умумий мазмундаги шикоят аризалари билан мурожаат қилинади. Умумий мазмундаги мурожаатлар – хат, ариза, таклиф ва шикоят бўлса, процессуал мазмундаги мурожаатларга муайян низо ёки суд қарори билан боғлиқ бўлган ариза, даъво аризаси,

илтимоснома, апелляция ва кассация тартибидаги шикоятлар киради.

Қонунчиликка мувофиқ, барча фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл фуқаролари бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш юзасидан судга оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Умумий мазмундаги мурожаатлар “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида” қонунда белгиланган тартибда, яъни судга келиб тушган кундан бошлиб 15 кун ичида, қўшимча ўрганиш ва текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда 1 ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади. Агар ариза ва шикоят муддати узайтирилса, бу ҳақда мурожаат қилувчига хабар берилади.

Фуқаролик, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича процессуал мазмунда берилган шикоятлар процессуал қонунчиликда белгиланган муддатларда кўриб чиқилади.

Албатта, мурожаатларнинг кўпайишини аҳолининг суд тизимига нисбатан ишонч ортиб бораётгани билан изоҳлаш жоиз.

Айтиш керакки, Жиноят-процессуал кодексининг 499-моддасида биринчи ва апелляция инстанцияси судининг ҳукми, ажрими устидан кассация тартибида шикоят қилишга бўлган ҳуқуқ маҳкумга, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакилига, жабрланувчига ва унинг вакилига, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари биринчи ва апелляция инстанцияси суди ҳукмининг, ажримининг фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан шикоят беришга ҳақли, деб кўрсатилган.

Лекин иш бўйича шикоят беришга ваколати бўлмаган фуқаролар, яъни судланувчи ё маҳкум, даъвогар ёки жавобгарнинг қариндошлари судга таъсир ўтказиш мақсадида юқори идораларга мурожаат йўллаш ҳолати кузатилмоқда.

Мурожаат қилиш бўйича қонун талабига риоя этмаслик ёки тартибни билмаслик:

биринчидан, суд тизимига алоқаси бўлмаган идораларга қўшимча иш;

иккинчидан, суд қарорлари устидан шикоят бериш муддатининг ўтиб кетишига, натижада муддатни тиклаш ҳақида ариза бериш талаб этилиб, фуқароларнинг яна ортиқча овора бўлишига олиб келмоқда.

Фуқароларнинг шикоят беришида енгиллик ва қулайлик яратиш мақсадида Олий суд ташаббуси асосида 2021 йил 16 сентябрда қабул қилинган “Судга мурожаат қилиш учун янада қулай шароитлар яратилиши ва фуқаролик процессига соддалаштирилган иш юритиш тартиби жорий этилиши муносабати билан

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан Жиноят-процессуал кодекс, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Фуқаролик процессуал кодекс, Иқтисодий процессуал кодекс ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга муҳим ўзгартиришлар киритилди. Шу асосда иш бўйича ваколатли шахслар ва тарафларнинг шикоятга суд қарорларини илова қилиш талаби бекор қилинди.

Бундан ташқари Олий суд раҳбарияти томонидан жисмоний ва юридик шахс вакилларини қабул қилиш жараёни кенг йўлга қўйилмоқда.

Кези келганда шуни алоҳида қайд этиш жоизки, аҳолининг одил судловдан хабардорлик даражасини оширишга йўналтирилган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини судлар фаолиятида кенг қўллаш ишлари изчил амалга оширилмоқда.

Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари тизимини жорий этиш орқали жисмоний ва юридик шахсларни судларга мурожаат қилишида қулайлик яратиш масаласи давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътиборида турибди. Бу борада Президентимиз томонидан:

- 2017 йил 30 августда “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”;
- 2020 йил 3 сентябрда “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”;
- 2022 йил 29 январда “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлар қабул қилингани буни яққол тасдиқлайди.

Янада муҳими, 2023 йил 16 январда “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармони қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатларда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш, «E-XSUD» ахборот тизимини такомиллаштириш, суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштиришнинг кейинги босқичида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнининг онлайн кузатиб борилишини таъминлаш, суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш, давлат органлари қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқишда

маъмурий судларнинг ролини кучайтириш каби бир қатор муҳим вазифалар белгиланди.

Мухтасар айтганда, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг мақбул йўли сифатида ҳаётимизга жорий этилган мазкур механизм суд тизимида ҳам қисқа фурсатларда ўз амалий натижаларини бера бошлади.

Олий суд ва қуйи судларда халқимизни рози қилиш йўлида аҳоли билан мулоқот қилиш, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари ҳар тарафлама тўлиқ, холисона ҳамда қонуний кўриб чиқилиши орқали адолатли қарорлар қабул қилиниши таъминланмоқда.

**Фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро суди судьяси:
А.Х.Турсунов**